

## ФУНКЦИОНАЛ-СЕМАНТИК МАЙДОН ВА УНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ

**Р.Мамасолиев**

ўқитувчи,

Фарғона давлат университети

**Аннотация:** Ушбу мақолада функционал-семантик майдон ва унинг намоён бўлиши илмий жиҳатдан тадқиқ этилган.

**Калит сўзлар:** тилшунослик, функционал-семантик майдон, майдон назарияси, грамматика.

Тилшуносликда майдон назариясининг кейинги йиллардаги ривожини шу даражага етдики, унинг ғоялари ва методлари тилнинг лексик сатҳидан бошқа сатҳларга нисбатан ҳам татбиқ қилина бошланди[1]<sup>96</sup>. Майдон назарияси муаммолари бўйича кейинги йилларда қатор тадқиқотлар олиб борилди. Г.С.Щур майдон муаммолари юзасидан мингдан ортиқ мақолалар эълон қилинганини таъкидлайди[2]<sup>97</sup>. Бундай назарий тадқиқотларни атрофлича ўрганиб, уларни умумий тарзда тарихийлиги нуқтаи назаридан ва қўйилган муаммолар жиҳатидан маълум гуруҳларга ажратиш мумкин. Бунда асосан назариянинг алоҳида тушунчаларини хронологик йўналишда кўриб чиқиб, уларнинг исбот қилиниши, назариянинг қўйилаётган муаммолари жиҳатидан ўрганилиши, шунингдек, майдон назариясини тарихийлик ва муаммолар таҳлили билан биргаликда олиб борилиши нуқтаи назаридан фарқлаш мумкин.

Ўзбек тилшунослигига майдон назариясининг кириб келиши тил бирликларига нисбатан систем-структур методларнинг қўлланила бошлаши билан боғлиқ. Бу борада амалга оширилган илмий тадқиқот ишлари ичида И.Қўчқортоев, А.Нурмонов, Ҳ.Неъматов, Р.Расулов, Э.Бегматов, Т.Мирзақулов, Ш.Искандарова, О.Бозоров, Р.Сафарова, Б.Қиличев, М.Нарзиева, Д.Ҳожиева, М.Абдувалиев каби тадқиқотчиларнинг илмий кузатишлари ўзбек тили лексикасини майдон назарияси асосида ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Майдон тушунчаси ва унинг тилшуносликка кириб келиши ҳақида Ш.Искандарова ва А.Собиров тадқиқотларида батафсил маълумот

<sup>96</sup> Щур Г.С. О морфосемантических полях, функционально-инвариантных группах и категориях // Вопросы лингвистики. – Томск., 1970. – С. 3-10; Филичева Н.И. Синтаксические поля. – М., – ВЯ, 1977

<sup>97</sup> Щур Г.С. Теории поля в лингвистике. – М., Наука, 1974. – С. 19.

берилган[3]<sup>98</sup>. Яна бир тилшунос олимаси Эргашева[4]<sup>99</sup> ҳам майдон назариясига ўз хиссасини қўшган олималардан биридир. Олима ўз фикрларини шундай баён этади: бизни қуршаб турган олам системавий табиатга эгадир. У қисмларининг ўзаро бир-бирини тақозо этувчи шартланган муносабатдан ташкил топган бутунликдир. Олам сатҳи инсон онгида турлича акс этади. Оламнинг инсон онгида акс этиши унинг манзараси саналади. Шунга кўра оламнинг диний, афсонавий, илмий, лисоний манзаралари тушунчалари майдонга келди ии. Оламнинг лисоний манзараси деганда, олам системасининг тил орқали ифодаланиши тушунилади. Тил онгда акс этган объектив оламнинг ифодаловчиси экан, демак, у ҳам системавийлик хусусиятига эгадир. Тилнинг ана шундай системавий табиати Ф.де Соссюр диққатини жалб этди ва у жаҳон тилшунослигида илк бор субстанция билан шаклни ажратган ҳолда, тил субстанция эмас, балки соф шаклдир, деган ғояни олға сурди[5]<sup>100</sup>. Бу билан тил ва нутқнинг ўзаро фарқланишига, тилнинг белгилар системаси эканлигига асос солди. Ф.де Соссюр лингвистик белгининг икки томонлама моҳиятга эга эканлигини, у ифодаловчи ва ифодаланмиш муносабатидан ташкил топган бутунлик эканлигини кўрсатиб берди. Лингвистик бирликларни мазмуний семантик майдонларга бўлиб ўрганиш ҳам семантиканинг бир йўналиши саналади. Лингвистик семантиканинг структур семантика, концептуал семантика каби йўналишлари мавжудлиги тил бирликларини майдон асосида ўрганиш учун қулайликлар яратди.

Семантик майдон — у ёки бу семантик қатламда қайд этилган ўхшашликка эга бўлган ва специфик семантик муносабатлар билан боғланган семантик бирликлар йиғиндиси. Сигнификатив қатлам учун бундай ўхшашликлар айрим тушунчалар йиғиндиси сифатида талқин этилади. Денотатив қатлам учун ташқи муҳитнинг бир хил объектлари йиғиндисининг алоқаси сифатида, экспрессив қатлам учун нутқий бўлақларнинг бўлақлари ўртасидаги синтактик алоқалари йиғиндисининг алоқаси сифатида талқин этилади. Шундай қилиб, ҳар бир семантик қатламда семантик майдонлар мавжуд. Архивбирликларнинг ҳам семантик майдонларга бирлашуви кўриб

<sup>98</sup> Искандарова Ш. Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон асосида ўрганиш. Филол.фанлари докт...автореф.Т.,1999;Собиров А.Ўзбек тилининг лексик сатҳини системалар системаси тамойили асосида тадқиқ этиш.Т.,”Маънавият”, 2004

<sup>99</sup>Эргашева, М. В. Оламнинг лисоний манзараси ва семантик майдонларга бўлиниши / М. В. Эргашева Молодой ученый. — 2016. — № 3.1 (107.1)

<sup>100</sup> Соссюр Ф. де. Труды по языкознанию. – Москва: Наука. 1977, с. 53

чиқилиши мумкин (масалан, сигнификатив-денотатив бирликларнинг ажратилмаган ҳолда кўрилиши).

Семантик майдон тил лексик-семантик системасининг йирик систем-структур бирлиги ҳисобланади. У умумий интеграл белгилар асосида нафақат якка лисоний элементларни (якка лексемалар, лексик-семантик вариантлар), балки турли хил лексик парадигмаларни ҳам бирлаштиради ва шу тариқа майдоннинг ҳар бир бирлиги унда бутун парадигматик комплексда намоён бўлади. Семантик майдон ҳам бошқа системалар сингари структурдир. Аънанавий жиҳатдан структура — элементларнинг нисбий барқарор бирлиги, уларнинг муносабатлари ва объектнинг бутунлигидир; системанинг инвариантли аспектидир. Ушбу тушунчанинг қўлланилиши лисоний маконни ҳар бири ўзаро узвий боғланган ва ўзаро таъсир этувчи кўплаб бирликлардан иборат бўлган гомоген ташкил этувчи қисмларга ажратишга имкон беради. Семантик майдон алоҳида тил системаси сифатида мураккаб лисоний структурага эга. Майдоннинг структур ўзагини барча парадигматик гуруҳлар йиғиндиси ташкил этади. Парадигматик муносабатлар турли хил характерда бўлиб, у ёки бу мазмуний белгилари билан яқин бўлган лексик бирликларнинг ҳар-хил синфлари ёрдамида намоён этилиши мумкин. Парадигматик муносабатлар бир чизиқли эмаслиги билан фарқланади. Чунки маълум бир сўз бир вақтнинг ўзида турли лексик-семантик парадигмага мансуб бўлиши мумкин. Бунда сўзлар маълум бир семантик белгилари асосида ўзаро қарама-қарши қўйилиши мумкин.

Семантик майдон структурасида лисоний ва концептуал аспекти намоён бўлади. Майдон таркибидаги лексик-семантик ва тушунчавий элементларни кескин қарама-қарши қўйиш (таққослаш) мақсадга мувофиқ эмас. Семантик майдоннинг асосий вазифаси, аввало, воқеликнинг маълум бўлагини адекват лисоний акс эттиришдир. Семантик майдон структурасининг асосий хусусиятларидан бири унинг бутунлиги ҳисобланади. Бу, хусусан, қуйи сатҳ бирликларига юқори сатҳ бирликларининг ҳодисаси сифатида қаралиши натижасида, яъни, кичик бирликларнинг катта бирликлар таркибига киришини кўрсатувчи поғонали муносабат асосида амалга оширилади. Семантик майдонларни лексик-семантик гуруҳларга, сўзлар синфига бўлиш иерархиянинг юқори, лекин ягона бўлмаган поғонасидир. Ҳар бир лексик-семантик гуруҳ, ўзининг индивидуал структурасига эга. Лексик-семантик гуруҳ структурасининг элементи синонимия, антонимия, гипонимия ва ҳ.к. муносабатлар асосида

бирлашган лексик-семантик вариантлардир. Ҳар бир гуруҳнинг умумлаштирувчи (интеграл) семаси сифатида, майдон архисемадан ташқари, гуруҳга ном берувчи инвариант сема юзага чиқади. Дифференциал семалар тўплами ҳар бир гуруҳ учун индивидуалдир. Ушбу ҳолат билан семантик майдонларнинг бир турли эмаслиги унинг ажралмас, ядро ва периферия зоналар майдонида намоён бўлувчи хусусиятлари сифатида тушунтирилади. Майдоннинг ядроси каби периферияси ҳам гуруҳли тузилмалар комплексидан, айрим элементлардан ва лексик-семантик вариантлардан иборат.

### АДАБИЁТЛАР:

1. Щур Г.С. О морфосемантических полях, функционально-инвариантных группах и категориях // Вопросы лингвистики. – Томск., 1970. – С. 3-10; Филичева Н.И. Синтаксические поля. – М., – ВЯ, 1977.
2. Щур Г.С. Теории поля в лингвистике. – М., Наука, 1974. – С. 19.
3. Искандарова Ш. Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон асосида ўрганиш. Филол.фанлари докт...автореф.Т.,1999;Собиров А.Ўзбек тилининг лексик сатҳини системалар системаси тамойили асосида тадқиқ этиш.Т., "Маънавият", 2004
4. Эргашева, М. В. Оламнинг лисоний манзараси ва семантик майдонларга бўлиниши / М. В. Эргашева Молодой ученый. — 2016. — № 3.1 (107.1)
5. Соссюр Ф. де. Труды по языкознанию. – Москва: Наука. 1977, с. 53
6. Sotvaldieva, H. M. (2020). ENGLISH PROVERBS AS A MEANS OF EXPRESSING PEOPLE'S WISDOM, SPIRIT AND NATIONAL MENTALITY. *Theoretical & Applied Science*, (2), 601-604.
7. Сотвалдиева, Х. М. (2016). ДОСТИЖЕНИЕ ЛИНГВОДИДАКТИЧЕСКОЙ ЦЕЛИ ИГРОВЫМИ МЕТОДАМИ В ФОРМИРОВАНИИ ЛЕКСИЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНЦИИ ИНОСТРАННОГО ЯЗЫКА СТУДЕНТОВ ВУЗА. *Учёный XXI века*, (4-1 (17)), 60-63.
8. Сотвалдиева, Х. М., & Дадамирзаева, Н. (2018). Синтаксическая структура английских пословиц. *Молодой ученый*, (44), 306-307
9. Azizovna, U. B. (2022). The Actual State of the System for Developing the Media Culture of Foreign Language Teachers on the Basis of Interdisciplinary Cooperation. *American Journal of Social and Humanitarian Research*, 3(8), 49-52.

10. Mamasoliev, R. (2020). BENEFITS OF INTRODUCING INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN EDUCATION. In *Психологическое здоровье населения как важный фактор обеспечения процветания общества* (pp. 314-316).
11. Mamasoliev, R. A. (2022). ANALYSIS OF SYNONYMS FOR THE CONCEPT OF TEACHER IN GERMAN AND UZBEK. *Mental Enlightenment Scientific-Methodological Journal*, 2022(1), 194-203.
12. Musinova, S. H., & Tadjibaev, M. A. (2021). STRUCTURAL AND SEMANTIC CHARACTERISTICS OF PROVERBS. *Евразийский Союз Ученых*, (1-4 (82)), 22-25.
13. Azizova, U. B. (2022). Scientific-Pedagogical Basis and Need for Development of Media Culture through Media Education. *EUROPEAN JOURNAL OF INNOVATION IN NONFORMAL EDUCATION*, 2(8), 5-7.
14. Umurzakova, B. (2020). SOME PSYCHOLOGICAL AND PEDAGOGICAL ASPECTS OF INCREASING STUDENTS' MOTIVATION IN THE PROCESS OF LEARNING FOREIGN LANGUAGES. In *Психологическое здоровье населения как важный фактор обеспечения процветания общества* (pp. 237-239).
15. Haqnazarova, S. (2021). Abdullah Sher is a great translator. *Journal of Pedagogical Inventions and Practices*, 3, 44-45.
16. Haqnazarova, S. (2021). ABDULLA SHER ASARLARIDA TARIXGA NAZAR. *Scientific progress*, 2(7), 1279-1281.